# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА №2

**Когон туман** **«06 » июнь 2022 йил**

**“Комилжон-савдо-барака”МЧЖ** (кейинги ўринларда ”Бажарувчи” деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Хўжамбердиев.Ш. тимсолида, бир томондан ва “Ўнгқирғоқ” коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи Давронов Ф. тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи "га бошқарма тасарруфидаги Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари. (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) бажаради, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.
1.3. “Хизматлар”ни кўрсатиш муддати 2022 йил “06”июндан 2022 йил “31” декабргача амалга оширилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:**
2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**
2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;
2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**
2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг “Хизматлар”ни кўрсатиш:
2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.
2.4.4. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига қшимча 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **136 000 000 (Бир юз ўттиз олти миллион** ) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи **40 800 000** сўм миқдорида 2022 йилнинг июнь ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи **95 200 000** сўм миқдорида 2022 йилнинг ____________________ ойида якуний тўловни амалга оширади.
3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.
6.3. Бажарувчининг низомида кўрсатилгандек **ҚҚС** хизмат ҳақи тўланади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «06»июндан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари" га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.
9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Бажарувчи»**

**"Комилжон-савдо-барака"МЧЖ**

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Қашқадарё в Муборак т Хитой к
Тел./факс +998937047575
ш/ҳ 2020 8000 3050 7034 0001
СТИР 306384927
ОКОНХ 180900
**МФО: 00450**
**банк: ТОШКЕНТ Ш., "ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ" АЖ БОШ ОФИСИ**

Раҳбар ______________ Хўжамбердиев Ш

**«Буюртмачи»**

**"Ўнгқирғоқ" коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси**

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро вил.Когон тумани Туткунда ҚФЙ
Тел./факс 2287726
ш/ҳ 100010860062197042402170005
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 205315413
ОКОНХ 22100
**Ғазначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси**

**Ғазна х/в: 23402000300100001010**

**Банкнинг номи: Тошкент ш Марказий банкнинг ХККМ**

Раҳбар ______________ Ф.Ф.Давронов

*Ҳуқуқшунос :*
*25.07.2003й В №142660 Гувоҳнома (Диплом)*

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 95509 на приобретение Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 03.06.2022

Время рассмотрения 03.06.2022 14:42

Конкурсная комиссия Вилоятлараро Унгкиргок зовуридан фойдаланиш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | DAVRONOV FAXRIDIN FARMONOVICH | Бошқарма бошлиғи | " Ўнгқирғоқ"КТФБ |
| **Секретарь комиссии** | RADJABOV ASHUR SAYFIYEVICH | РИЧ бошлиги | Унгкиргок |
| **Член комиссии** | G'AFFOROV O'LMAS OCHILOVICH | Бош мутахассис (зовур ва иншоатлардан фойдаланиш буйича) | " Ўнгқирғоқ"КТФБ |
| **Член комиссии** | SAFAROV ULUG'BEK NARZULLOYEVICH | Сектор бошлиғи | Унгкиргок КТФБ |
| **Член комиссии** | BURONOV SHERZOD SHOMURODOVICH | Бош механик | Унгкиргок КТФБ |
| **Член комиссии** | KAMOLOV BOBOMUROD SANOYEVICH | Бош хисобчи | Унгкиргок КТФБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.06.2022 года № лота 95509.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по текущему ремонту сооружений** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуги по текущему ремонту сооружений Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 136 042 022.00 |
| Стартовая сумма | 136 042 022.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 "Ўнгқирғоқ"коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатида акс этмаслиги лозим

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KOMILJON-SAVDO-BARAKA MCHJ** | 20 | Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатида акс этмаслиги лозим | 20 | Экспертная | | |
| **OOO CHILANGAR TA'MIR** | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №2 "Ўнгқирғоқ"коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари учун

Тип: Текстовое значение

Описание: Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари учун булдозер ва экскаватор пудратчи ҳисобида бўлиши шарт .Талабгор моддий таъминланганлиги ва йиллик маблаг айланмаси.Шу сохада олдин килинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалариШу сохада етарли иш стажи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KOMILJON-SAVDO-BARAKA MCHJ** | 20 | Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари учун булдозер ва экскаватор пудратчи ҳисобида бўлиши шарт .Талабгор моддий таъминланганлиги ва йиллик маблаг айланмаси.Шу сохада олдин килинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалариШу сохада етарли иш стажи | 20 | Экспертная | | |
| **OOO CHILANGAR TA'MIR** | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №3 Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари учун

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат муддати 1-йил булиши шарт кафолат муддати тугамасдан иш таъмирталаб холга келиб колганда пудратчи ташкилот уз хисобидан кайта таъмирлаб бериши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KOMILJON-SAVDO-BARAKA MCHJ** | 20 | Кафолат муддати 1-йил булиши шарт кафолат муддати тугамасдан иш таъмирталаб холга | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | келиб колганда пудратчи ташкилот уз хисобидан кайта таъмирлаб бериши шарт. | | | | |
| **ООО CHILANGAR TA'MIR** | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **KOMILJON-SAVDO-BARAKA MCHJ** | 136 042 022.00 | 136 000 000.00 | 02.06.2022 17:57:01 | 100.00 |
| **ООО CHILANGAR TA'MIR** | 136 042 022.00 | 136 042 022.00 | 02.06.2022 18:04:03 | 99.97 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **KOMILJON-SAVDO-BARAKA MCHJ** | Прошел | 100 | 100 |
| **ООО CHILANGAR TA'MIR** | Прошел | 99.96911 | 99.96911 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 95509 от 03.06.2022 года на приобретение Сичакўл ташлама коллекторини ПК0+00 дан ПК16+00 гача механзмлар билан тозалаш ишлари определила победителем:

KOMILJON-SAVDO-BARAKA MCHJ
306384927

и резервный исполнитель: ООО CHILANGAR TA'MIR (303899113)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | KAMOLOV BOBOMUROD SANOYEVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | DAVRONOV FAXRIDIN FARMONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | G‘AFFOROV O‘LMAS OCHILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAFAROV ULUG‘BEK NARZULLOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BURONOV SHERZOD SHOMURODOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Бухоро вилояти

100011, Toshkent shahri, Abay ko'chasi, 6-uy, Tel. 244-04-85, E-mail:davexpertiza@exat.uz, devexpertiza@umail.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: Fayziyev Said Aminovich
Sana:24-05-2022 yil

**Yig'ma ekspert xulosasi № 43427**

**Obyekt nomi** «"Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumanidagi Sichanko'l tashlama kollektorini PK0+00 dan PK 16+00 gacha bo'lgan masofada mexanizmlar yordamida tozalash"»

**Buyurtmachi –** O'ng qirg'oq" kollektori tizimidan foydalanish boshqarmasi
**Bosh loyihachi** - "Bagdan s'yomka servis" MChJ Yordamchi loyihachi: "UMAZEZ" MChJ
**Litsenziya** Bosh loyihachi: AL-000117-sonli O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan 2019 yil 25 iyulda berilgan. Yordamchi loyihachi: AL-000539-sonli O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan 2020 yil 4 fevralda berilgan.
**Moliyalashtirish manbai** - Resprublika budjeti
**Bosh pudratchi** – Tanlov savdolari natijalariga ko'ra
**Qurilish turi** Joriy ta'mirlash
**Murojaat raqami:** № 36716

**1. Loyihalash uchun asos**

Buyurtmachining 2022 yil 20 maydagi 25-sonli xati.

Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyihalash ishlari uchun topshiriq.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

Nuqsonlar dalolatnomasi.

Smetaning taqdim qilingan qiymati QQS bilan - 154 973,182 ming so'm, buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Cho'mich sig'imi 0,5 $m^3$ bo'lgan ekskavator yordamida I va II -toifali tuproqlarni qazib chiqarish.

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

Ko'rib chiqish uchun taqdim etilgan taxminiy hujjatlar ShNK hisoblangan resurs me'yorlari to'plamiga muvofiq manba usuli yordamida joriy narxlarda tuzilgan. Hisob -kitob hujjatlari doirasida quyidagilar taqdim etiladi: mahalliy resurslar varaqasi, zarur resurslar ro'yxati, joriy narxlarda ob'ektning tavsiya etilgan narxini hisoblash. Ob'ektning tavsiya etilgan narxini hisoblash uchun: qurilish ishchilarining

o‘rtacha oylik ish haqi, pudratchining "boshqa xarajatlari" ulushi, qurilish materiallari va uskunalari narxlari, ishlaydigan mashina va mexanizmlarning narxi. 1 mash / soat qurilish yukini tashish narxi Buyurtmachining 20.05.2022 yildagi 25-sonli xati asosida qabul qilinadi.

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

Buyurtmachi tomonidan smeta hujjatlari ko‘rib chiqilgan va qabul qilingan.

**6. Ekspertiza natijalari.**

Ekspertizadan o‘tkazish jarayonida ekspertizaning lokal xulosalariga ko‘ra smeta hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatish va qo‘shimchalar kiritildi:

- Smeta hujjatlarida mexanizmlarni 1 mashina*soat bahosi asoslandi.

Buyurtmachi tomonidan taqdim qilingan loyiha-smeta qiymati QQS bilan – 154 973,182 ming so‘m, buyurtmaching boshqa xarajatlarisiz, ekspertiza tekshirish jarayonida ish haqi to‘g‘rilanishi natijasida –18 931,16 ming so‘mga kamayib, tavsiya etilgan qiymat QQS bilan – 136 042,022 ming so‘mni tashkil qildi, buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz.

Xususan:

Qurilish-montaj ishlari: – 118 297,410 ming so‘m.

Qo‘shimcha qiymat solig‘i: – 17 744,612 ming so‘m.

Qayd etilisinki, ekspertizaga taqdim etilgan ishchi loyihaga ko‘ra, loyiha -smeta hujjatlaridagi ish hajmiga muvofiqligi uchun loyiha tashkiloti javobgar bo‘ladi. Loyiha mualliflari buyurtmachiga ekspert shartlari asosida tuzatilgan chizmalar va smeta hujjatlarini taqdim etishlari shart. Buyurtmachi qurilish materiallari narxini, ijtimoiy sug‘urta badallarini (smeta qabul qilingan ijtimoiy sug‘urta badali -12%) nazorat qilishi, bosh pudratchiga ekspertizaning shartlariga muvofiq tuzilgan ish hujjatlari berilishini ta’minlashi kerak.

**7. Xulosalar.**

"Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumanidagi Sichanko‘l tashlama kollektorini PK0+00 dan PK 16+00 gacha bo‘lgan masofada mexanizmlar yordamida tozalash" ob’ektning smeta hujjatlari ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 17.09.2021 yildagi 579-sonli “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertizadan o‘tkazish tartibotlarini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori va ShNK 4.01.16-09 “Qurilish bahosini shartnomaviy joriy narxlarda aniqlash qoidalari” talablariga mos ravishda tanlov savdolari uchun tavsiyaviy bo‘lib, pudrat shartnomasini tuzish uchun asos bo‘la olmaydi. Ko‘rsatilgan qiymat tender savdolari uchun qabul qilish to‘g‘risidagi yakuniy qarorni buyurtmachi tomonidan qabul qilinadi.

Ekspert: V. Tursunov

**Bosh mutaxassis:** Tursunov Voxidjon Zoirovich 526206118

2073351

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KOMILJON - SAVDO-BARAKA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KOMILJON - SAVDO-BARAKA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.05.2019 718314 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306384927

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Qashqadaryo viloyati, Muborak tumani, Diyonat, Xitoy qishlog'i.

Guvohnoma: Qashqadaryo viloyati, Muborak tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

...REPUBLIKASI ...VAZIRLIGI ...DAGI DAVLAT XIZMATLARI AGENTLIGI
QASHQADARYO VILOYAT BOSHQARMASI
MUBORAK TUMAN DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI
RO'YXATGA OLINDI
2021 yil 09 aprel
№ 718 314